БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

265 (3766)
22 ЧОРШАНБА
НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов социалистик Эфиопия мувaққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг раиси подполковник Менгисту Хайле Мариамни 21 ноябрь куни қабул қилди.

Барча совет кишилари сингари республика меҳнаткашлари ҳам Совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини астойдил маъқуллаётганликлари ва қўллаб-қувватлаётганликлари ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида таъкидлаб ўтилди. Бу сиёсатнинг асосий принциплари КПСС XXV съездининг қарорларида белгилаб берилган, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида аниқ баён этилган. Совет кишилари ривожланаётган мамлакатлар эришган муваффақиятлардан астойдил манфаатдордирлар, улар Африка давлатларининг ички ишларига аралашишга қарши, уларнинг суверенитети ва территориал бутунлигини бузишга қарши ҳамиша қатъий курашиб келмоқдалар.

Ш. Р. Рашидов ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган ва Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясида ўз ифодасини топган ўзгаришлар тўғрисида, Ўзбекистонни бундан буён ҳам иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболлари ҳақида, республика меҳнаткашларининг коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтиришда эришган муваффақиятлари тўғрисида Менгисту Хайле Мариамга гапириб берди.

Социалистик Эфиопия мувaққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг раиси подполковник Менгисту Хайле Мариам ўзига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Суҳбатда Менгисту Хайле Мариамнинг мамлакат бўйлаб сафарида унга ҳамроҳ бўлган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Е. Поляков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

★ «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИ

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

БУГУН

Тошкент шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ва шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти ташаббуси билан тузилган пойтахт илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимларидан ташкил топган лекторлар группаси Жиззах областига жўнаб кетди.

Группада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ, экономика институтлари, Тошкент Давлат университети, политехника институти, бир неча ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари бор.

Шаҳарлик олимлар областнинг пахта далаларида меҳнат қилаётган пахтакорлар ва ҳашарчилар ҳузурида бўлиб жуда кўп суҳбатлар ўтказадилар. Уларнинг суҳбатлари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми материаллари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» хотира асарларини тингловчилар ўртасида кенг тушунтиришга бағишланган.

Пойтахтимизнинг бир куни

- СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК БЕШ ЙИЛЛИГИГА—ИШЧИ КАФОЛАТИ
- ЎЗБЕКИСТОН—ЖАҲОНГА
- БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

• Шаҳар индустрияси рапорти

Ўн бир ойлик план бажарилди!

Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб

БУГУН

маҳсулот реализацияси ҳажми ва муҳим халқ хўжалик буюмлари тайёрлаш бўйича ўн бир ойлик давлат планини муддатидан илгари адо этганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Ҳамза, Собир Раҳимов ва Октябрь районларининг саноат корхоналари коллективлари мусобақада пешқадамлик қилишди. Жумладан, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, ёғ-мой комбинати, сут комбинати, 2-нон маҳсулотлари комбинати, «Компрессор», қуёш тўсқич мосламалар заводлари, мебель ойналари фабрикалари ва бошқа корхоналар маҳсулот реализацияси бўйича уч йиллик маррани муддатидан аввал эгалладилар.

Шаҳар меҳнаткашларининг муваффақиятларида жамоат ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, шаҳардаги бутун коллективлар иштирок этаётган «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракатининг шакл ва методларини такомиллаштириш қўл келди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли ўртасида беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан аввал бажаришга аҳд қилган зарбдор ишчилар сафи ой сайин кенгайиб бормоқда.

СУРАТДА: корхона бўяш цехининг илғор ишчиси беш йиллик шахсий топшириқларини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилган коммунистик меҳнат зарбдори Просковья Порунова.

Район партия комитетининг пленуми

Куйбишев район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашни янада такомиллаштиришда район партия ташкилотлари олдида турган масалаларни муҳокама қилдилар. Пленумда район партия комитетининг иккинчи секретари Г. В. Қолбасин доклад қилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан М. Н. Мирсоатова секретарлик вазифасидан ва район партия комитети бюроси аъзолигидан озод этилди. Куйбишев район партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб Н. И. Ткаченко сайланди.

Сифатга эътибор

И. Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси коллективи маҳсулотлар сифатини яхшилашга катта эътибор беряпти. Яқинда фабрикада ишлаб чиқарилаётган аёллар ва болаларнинг 6 моделдаги бош кийимларига давлат Сифат белгиси берилди. Эндиликда фахрий белги қўйилган 14 хил маҳсулот савдо тармоқларига жўнатилмоқда. Фабрика коллективи ўтган йилнинг шу даврида Сифат белгиси қўйилган 210 минг сўмлик бош кийимлари ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунда ана шу кўрсаткич 1 миллион сўмликка яқинни ташкил этди.

Ҳозир шаҳримиз корхоналарининг 700 хил маҳсулотига давлат Сифат белгиси қўйилмоқда.

Б. УСМОНОВ.

ЭРОНДАГИ ТАНГЛИКНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ

Яқин Шарқдаги энг катта давлатлардан бири — Эронда бир неча ойдан бери халқ ғалаёнлари давом этмоқда. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида ҳарбий ҳолат жорий этилганлигига қарамай, бу ғалаёнлар пасаяётгани йўқ. Дам бу шаҳарда, дам у шаҳарда ҳукуматга қарши намойишлар бўлиб ўтмоқда. Бу намойишларда ишчилар ва студентлар, зиёлилар ҳамда мусулмон руҳонийларнинг намояндалари иштирок этмоқда. Намойишчиларни тарқатиб юбориш ҳамда «тартиб жорий этиш» учун армия билан полиция тайёқ ва кўздан ёш оқизувчи газлардангина эмас, балки ўқ отувчи қуроллардан ҳам фойдаланмоқда. Информация агентликларининг хабар беришича, ўлганларнинг сони бир неча минг кишига етади.

Октябрь ойининг охирларида нефтчиларнинг умумий забастовкаси бошланди. Мамлакатнинг энг катта Хузустон нефть конларида. Ободон нефть тозалаш заводида ишлар тўхтаб қолди. Исфаҳондаги металлургия комбинати ҳамда Эрон миллий нефть компаниясининг ишчилари иш ташладилар. Улар иқтисодий аҳволларини яхшилашнигина эмас, балки шунингдек ҳарбий ҳолатнинг бекор этилишини, сиёсий маҳбусларнинг озод қилинишини, халққа сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар берилишини талаб қилмоқдалар. Эронда халқ ҳаракати кўп йиллардан бири шу қадар кенг қулоч ёзмаган ва кескинлашмаган эди.

Хўш, бу ғалаёнларнинг илдизи қаерда? Халқлар оммасининг норозилигига нима сабаб бўляпти?

Юзаки қараганда ҳозирги воқеаларнинг диний руҳдаги сабаблари бор, деб айтиш мумкин. Эронда норозилик ҳаракатида кўпинча мусулмон руҳонийларининг намояндалари қатнашяпти. Лекин бунинг сабаби шундаки, қарийб чорак асрдан бери (50-йилларнинг бошларида империализмга қарши халқ ҳаракати бостирилгандан кейин) мамлакатда мачитдан бошқа бирон-бир жойда бемалол гапиришга йўл берилмас эди. Шунинг учун ҳам руҳонийлар оппозицион ҳаракатлар учун таянч куч бўлиб қолган эдилар. Ҳолбуки, ҳукуматга қарши оммавий чиқишларнинг диний парда билан ниқобланиши Эронда мавжуд бир қанча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаракатларнинг ҳозирги тўлқинини яшира олмайди.

Халқаро мавзуда суҳбат

Бу сабаблардан бири халқнинг қашшоқланганлигида, бойлар билан камбағаллар ўртасидаги фарқнинг кучайганлигидадир. Бойларнинг катта-катта еб-ичиб кун кўраётганлиги, omманинг ғоят қашшоқланганлиги, нарх-навонинг ва оммавий ишсизликнинг тез ўсганлиги мана булар ҳозирги даҳшатли воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда демократик ҳуқуқлар ва эркинликларнинг бостирилаётганлигини ҳам шу сабабларга илова қилиш керак. Эронда ноябрь ойининг бошларида бош штаб бошлиғи генерал Азҳарий бошчилигида ҳарбий ҳукумат тузилганлиги ва оппозициядаги миллий фронт раҳбарларидан Санжобий ва Форуҳарнинг қамоққа олинганлиги демократик ҳуқуқлар ва эркинликларни бостириш йўлида қилинган энг охирги ҳаракатлардан бири бўлди.

Аммо гап фақат шундагина эмас, мамлакатнинг ғарбга қарам қилиб қўйилганлигидан, Эроннинг миллий бойлигини, аввало нефтни эксплуатация қилаётган ажнабий монополияларнинг экономикага ҳукмронлик қилаётганлигидан халқ норозидир. Шу муносабат билан равшан кўриниб турган баъзи фактларни эслатиб ўтамиз. Эрон жаҳонда Америкадан энг кўп қурол-яроғ сотиб олаётган мамлакатдир. У Америкадан чет элга юборилаётган барча ҳарбий техниканинг 40 процентини сотиб олмоқда. Эрон яна бир жиҳатдан ҳам «жаҳон рекорди»га эга: дунёда бирон-бир мамлакат Эрон сингари ўз давлат бюджетининг шу қадар катта қисмини — 30 процентини қуролли кучлар учун сарфлаётгани йўқ.

Нефть қазиб чиқаришдан олинаётган барча даромаднинг катта қисми (роса 70 проценти) чет элдан қурол-яроғ сотиб олишга сарфланаётганлиги учун ҳам Эроннинг граждан бюджетида жиддий қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Франциянинг «Монд дипломатик» журнали бундай деб ёзади: мамлакат ҳарбий бюджетининг борган сари ўсаётганлиги сабабли бошқа ҳаражатлар мунтазам равишда камайтириб юборилмоқда. Жумладан, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тадбирлар учун ҳозирги вақтда жуда кам маблағ сарфланмоқда». Аҳолисининг 80 проценти саводсиз бўлган ва унинг ярми ўтакетган қашшоқликда кун кечираётган, вабо каби офатлар ҳали ҳам ҳукмронлик қилаётган бир мамлакатда шундай бўляпти.

Ҳозирги вақтда Эронда давом этаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тангликнинг сабаблари мана шулардан иборат. Мана шу фактларнинг ҳаммаси Эрондаги ҳозирги воқеалар Вашингтонда нима учун шу қадар ташвиш туғдираётганлигини равшан кўрсатиб турибди. Париждаги «Фигаро» газетасининг уқтириб ўтишича, Қўшма Штатлар «Очиқдан-очиқ Америкага мути бўлган режимнинг тугатилиши АҚШнинг Эрон экономикасидаги кучли таъсирини шубҳа остига қўяди» деб ташвишланмоқда. Аммо АҚШнинг ташвишлари шу билангина чекланмайди. Уларни масаланинг ҳарбий томони кўпроқ ташвишга солмоқда. Чунки, Эроннинг Қўшма Штатлар ғоят қуроллантириб қўйган қудратли армияси шу районда Америка таъсирининг асосий воситасидир, деб таъкидлайди газета.

Эрон халқига келганда уни тамомила бошқа нарсалар ташвишлантираётганлиги юқоридаги фактлардан кўриниб турибди.

В. СЕРОВ,

(ТАСС).

ПОТОК ЛИНИЯ ИШГА ТУШДИ

БУГУН

ТОШКЕНТ ТОВАР СТАНЦИЯСИНИНГ 1-ВАГОН ДЕПОСИДА ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИ ТАБАҚАЛАБ РЕМОНТ ҚИЛИШ БУИЧА ПОТОК ЛИНИЯ ТУЛА ИШГА ТУШИРИЛДИ. Эндиликда вагонларнинг мураккаб қисмларини қулай ремонт қилишнинг яхши усули яратилди. Шунингдек, вагонларнинг ички ускуналарини ремонт қилиш имконияти ҳам туғилди.

Поток линияда ремонт қилиш методини ишлаб чиқишда ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишда инженер А. Раҳмонқулов, катта мастер А. Омонқулов, мастерлар А. Ем, Т. Шарипов ва бошқалар қатнашдилар. Бу янгиликдан кўриладиган йиллик иқтисодий фойда 15 минг сўмни ташкил этади.

Корхонада оғир юкли пассажир вагонларини конвейерли линияларда ремонт қилиш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари ғилдирак-роликларнинг ремонти бўйича янги линия ҳам фойдаланишга топширилди.

• Тошкент— мамлакатга

Самарали иситгич

БУГУН

санитария техника жиҳозлари экспериментал заводи «Комфорт» типидаги янги пўлат конвекторларнинг навбатдаги туркумини Душанбе шаҳрига жўнатди. Янги типдаги иситгичлар қулайлиги ва самарали ишлаши билан ажралиб туради.

Завод коллективи янги маҳсулот ишлаб чиқаришни шу йилнинг июль ойида йўлга қўйган эди. Ҳозиргача 25 мингдан ортиқ «Комфорт» типидаги конвекторлар тайёрланди. Йил охиригача яна 10 минг донага яқин ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Корхона маҳсулотлари республикамиз қурилиш ташкилотларидан ташқари, қўшни республикаларга ҳам кўплаб етказиб беріляпти.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак 21 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сусловга ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов ўртоқларга Чехословакия Социалистик Республикасининг олий давлат мукофоти — Клемент Готвальд орденларини топширди.

★ ХОККЕЙ

НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Кеча Тошкентдаги Марказий «Юбилей» спорт залида «Бинокор» ҳоккейчилари Прокопьевскнинг «Шахтёр» командаси хоккейчилари билан такрорий учрашув ўтказдилар. Маълумки, биринчи учрашув 7:2 ҳисобида командамиз хоккейчилари фойдасига ҳал бўлган эди.

Такрорий учрашув ҳам тошкентлик спортчиларнинг тўла устунлигида ўтди. Натижада улар 9:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Шундай қилиб «Бинокор» хоккейчилари муҳим 4 очкони қўлга киритиб турнир жадвалидан олтинчи ўринни эгалладилар.

Ҳамшаҳарларимиз ҳамшаҳарларимизнинг мавсум бошидан бери тўплаган очкоси 26 тага етди.

ФАХРЛИ ЁРЛИҚ БИЛАН

Тошкент шаҳри меҳнат коллективлари КПСС XXV съезди белгилаб берган сифат ва самарадорлик беш йиллигида маҳсулот сифатини яхшилаш борасида сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

БУГУН

пойтахтдаги 57 корхонанинг давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқараётган буюмлари хили 654 тага етди.

Куни кеча Ватанимиз пойтахти Москвадан яна бир хушхабар келди. Унда хабар қилинишича, шаҳримиздаги бир қатор корхоналарнинг, шу жумладан Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасининг аёллар шляпаси ва болалар бош кийими, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг аёллар костюми ва эркаклар сарочкаси, бадиий буюмлар фабрикасининг чойшаби фахрли беш қиррали белгига сазовор бўлди. Айниқса, фахрли ёрлиқ билан ишлаб чиқарилаётган буюмлар сони жиҳатидан бадиий буюмлар фабрикаси пешқадамлик қиляпти. Ҳозир мазкур корхонада 33 хил миллий буюм давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

Бу борадаги муваффақиятлар мазкур коллективлар маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини муваффақиятли жорий этаётганлиги, ишлаб чиқариш ички резервларидан оқилона фойдаланаётганлиги туфайлидир.

Г. ВОҲИДОВА.

• Қурилиш майдонида

Келгуси йил ҳисобига

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трести 70-қурилиш бошқармасининг Юрий Губайдулин бошлиқ бригадаси «Марказ-22» кварталида тўққиз қаватли 54 хонадонга аталган турар жой биносини бунёд этмоқда. Бригада пудрати усулида ишлаётган коллектив қурилиш ишларининг таннархи ва смета баҳосини арзонлаштиришга эришаётир.

БУГУН

БРИГАДА КЕЛГУСИ ЙИЛНИНГ ИЮЛЬ ОЙИ ҲИСОБИГА ИШЛАЙ БОШЛАДИ.

Коллектив муваффақиятига В. Раҳимов, Р. Мусаназаров сингари монтажчилар катта ҳисса қўшишмоқда. Беш йилликнинг учинчи йилини муносиб якунлашга қарор қилган коллектив йил охиригача планга қўшимча 2 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш ниятидадир.

ОТА-ОНАЛАР МАМНУН

БУГУН

Қорақамиш массивининг Ғансиқбоев кўчасида қурилган болалар боғчаси 280 ўғил ва қизни ўз бағрига олди. Янги боғчада ҳар бир группа учун овқатланиш ва машқ хоналари алоҳида-алоҳида қилиб қурилган. Бундан ташқари тарбияланувчилар учун ёзги ўйин майдончалари ва бошқа қулайликлар яратилган. Болаларга йигирмадан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли тарбиячилар мураббийлик қилишмоқда. Болалар боғчаси пианино, аккордеон, рубоб, доира ва бошқа музика асбоблари билан ҳам таъминланган. Булар ёш авлодни эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Массивда янги болалар боғчасининг ишга туширилиши ота-оналарни ғоят мамнун этди.

КОРХОНА МАРКАСИ ТУШИРИЛГАН

Тошкент «Компрессор» заводи маркаси туширилган ПР10М станциялари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга кўплаб етказиб берилмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида Польша, Монголия, Куба ва бошқа мамлакатларга 181 та компрессор станциялари юборилди.

БУГУН

Болгария Халқ Республикасига завод маҳсулотининг навбатдаги туркуми жўнатилди.

КЎРИК БОШЛАНДИ

БУГУН

Тошкент шаҳар тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг ташаббуси билан пойтахтимизда мавжуд бўлган барча ёдгорликларни тартибли сақлаш ва уларнинг атрофларини ободонлаштириш бўйича бир ҳафталик кўрик бошланди. Бу кўрикнинг асосий мақсади ёдгорликларга оталик қилаётган корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг олиб бораётган ишларига баҳо беришдир.

Шаҳримиздаги каноп фабрикаси билан 110-мактаб ўқувчилари 14 Туркистон комиссари ваҳшийларча халок этилган жойдаги ёдгорликни сақлаш бўйича оталиқ қилмоқдалар. Бундан ташқари шаҳар маданият бошқармаси ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмасининг ходимлари шаҳарнинг собиқ ҳарбий қалъаси дарвозасини назорат қилмоқдалар. Бундан ташқари 63-мактаб билан асбобсозлик заводининг ишчилари космонавтлар бюстларига оталиқ қилишяпти.

Ҳозирги пайтда шаҳримизда жамият йўли билан 214 да ҳайкал, тарихий бино ва археологик топилмалар умумий рўйхатга олинган.

Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўплаб комплекс машиналар етказиб бераётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи 11-цехининг илғор ишчилари — роторлар тайёрлаш бригадаси аъзоларидан (чапдан ўнгга) Алексей Михеев ва Виталий Озорнин ўртоқлар мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини 120—130 процент адо этмоқдалар. Бу ёш машинасозлар ўз ҳалол меҳнатлари билан кўпларга ўрнак бўлишяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

ФАРЗАНДНИНГ БАХТИЁРЛИГИ ЙЎЛИДА

Келгуси йил ер юзида болаларни ҳимоя қилиш йили ўтказилади. Бизнинг мамлакатимиз ҳам ана шу катта ва аҳамиятли тадбирда актив қатнашади. Халқаро болалар йили муносабати билан ҳозирданоқ тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетди.

БУГУН

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида очилган уч кунлик семинар ҳам ана шу масалага бағишланган. Семинарда «КПСС XXV съезди қарорлари асосида ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда касаба союз ташкилотларининг вазифалари» ҳақидаги доклад тингланди.

Семинарда республикамизнинг барча болалар клублари ва ёш техниклар станцияларининг раҳбарлари қатнашмоқда.

Семинар муносабати билан маданият саройида ташкил этилган болалар ижоди кўргазмасида мингдан зиёд экспонат намойиш этилмоқда.

телетайп лентасидан

✦ ЛОНДОН. Тинчлик учун ва халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш — халқаро ишчилар ҳаракати олдида турган энг муҳим вазифаларнинг биридир. Англия коммунистлари Лондон шаҳар ташкилотининг бу ерда тамом бўлган конференциясида қабул қилинган резолюцияда шу ҳақда гапирилади. Ҳужжатда таъкидлаб ўтилганидек, нейтрон бомба каби ажал қуролининг ишлаб чиқариш ва жойлаштиришдан тамомила воз кечиш — кескинликни юмшатишни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир.

✦ РИМ. Италия Коммунистик партиясининг аъзоси Гуэррино Корради Рим вилоятидаги Помеция шаҳрининг янги мэри бўлди. У кейинги ўн беш йил ичида вилоятдаги ана шу муҳим саноат марказининг сўл жунтаси ҳокимиятнинг ижроия органини биринчи марта тузди.

Коммунистнинг Помеция мэри лавозимига сайланиши — Италиянинг маҳаллий ҳокимият органларида Италия Компартиясининг обрў-эътибори ва таъсири ўсиб бораётганлигини исбот этувчи янги далилларнинг яна биридир.

✦ ПАРИЖ. Францияда француз Коммунистик партиясининг ташаббуси билан муҳожир меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳаракат ҳафталиги бошланди.

Парижда ва бошқа шаҳарларда юз мингларча ажнабий ишчиларнинг социал-иқтисодий турмуш шароитларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ва митинглар давом этмоқда. Корхона эгалари ва маъмурлар ажнабий ишчиларни қаттиқ эксплуатация қилиб, таъқиб этмоқдалар.

Пойтахтда муҳожир ишчиларнинг бир неча минг киши қатнашган намойиши ўтказилди. Улар маъмурларнинг камситиш чоралари ва ва полиция репрессияларига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

✦ ДАМАШҚ. Фаластин миллий кенгашининг раиси Холид Ал-Фахум Ғазо секторида ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида «маъмурий автономия» деган режимни ўрнатиш юзасидан Миср билан Исроил ўзаро келишиб тузган планни кескин танқид қилди.

Фаластин араб халқининг бирдан-бир «қонуний» вакили бўлмиш Фаластин озодлик ташкилоти, деди у, Миср президентининг хоинона ҳаракатларини қатъий рад этади. Миср режими Исроил билан тузиладиган сепарат «сулҳ» шартномасини имзолар экан деб таъкидлади Х. Ал-Фахум, ўзининг тамомила таслим бўлганлигини узил-кесил тан олади.

(ТАСС).

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

В. И. Ленин номли электрон-техника заводи коммунистлари ўзларининг ҳисобот-сайлов партия конференциясига кўтаринки руҳда келишди. Корхонанинг кўп минг кишилик коллективи фахрланса арзийдиган иш қилди. Йил бошидан буён ялпи ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планлари, маҳсулот реализация қилиш ва меҳнат унумдорлиги бўйича планлар муваффақиятли бажарилмоқда. Топшириққа қўшимча бир неча минг сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Бу энг аввало беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақанинг кенг тус олгани натижасидир. А. Муҳамедов, В. Кувшинников, Б. Исматова, И. Штольц, А. Вдовин сингари кўплаб коммунистлар мусобақага етакчилик қилмоқдалар. 19 ишчи беш йиллик шахсий планини бажарди, 350 киши буни уч йилда ниҳоясига етказмоқчи. 2 мингдан зиёд киши эса беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажариш учун курашмоқда.

«Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ҳаракатини ривожлантириш тўғрисида партия комитети алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Партия комитети, цех партия ташкилотлари бу масалани бир неча марта муҳокама қилдилар. Кўпгина бўлимлар беш йилликнинг бу муҳим ташаббусини қўллаб-қувватлаб, планларини бир маромда ошириб бажармоқдалар. Уларнинг сафида қолоқлар йўқ. А. Репин, В. Степанов, Т. Филатова, Н. Лебедов ва бошқалар бошчилик қилаётган участка ва бригадалар ана шулар жумласидандир. Ростовлик ва янгийўлликларнинг ватанпарварлик ташаббусини 3,5 мингдан зиёд киши қўллаб-қувватлади.

Завод партия ташкилоти кўпгина намунали тадбирларни амалга оширди. Планларни муддатидан илгари бажариш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, реконструкция қилиш ва янги қувватларни ишга тушириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилгани, ёшлар билан ишлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа кўпгина тадбирлар ана шулар жумласидандир. Докладчи — корхона партия комитетининг секретари Ю. Звягинцев ва конференцияда сўзга чиққан йиғувчи Н. Арсентьева, созловчи А. Муҳамедов, участка бошлиғи Д. Рудниченко, цех партия ташкилотининг секретари Ф. Симоненко, корхона директори В. Мушкарев ва бошқалар ҳисобот даврида партия ташкилоти ишини ҳар томонлама таҳлил қилдилар ва бу йиллар ичида тўпланган тажрибалар тўғрисида гапириб бердилар. коллективдаги ташкилий ва ғоявий-тарбиявий ишларнинг турли соҳаларига тўхталдилар.

Шу билан бирга докладчи ва музокара қатнашчилари эришилган ютуқларни таъкидлаб, йўл қўйилган нуқсонлар, камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар тўғрисида партиявий принципиаллик руҳида жон куйдириб гапиришди.

Бинобарин коллектив номенкулатура бўйича планни уддалай олмаяпти, бир маромда ишламаяпти. Илмий-техника тараққиётини янада жадаллаштиришга новаторлар катта ҳисса қўшмоқдалар. Корхона рационализаторлари ҳисобот даврида 3 миллион 580 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 1500 дан зиёд таклиф киритдилар. Янги техника бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида йил бошидан буён 730 минг сўмлик тадбирлар амалга оширилди. Бироқ ишлаб чиқариш суръатининг ўсиш плани коммунистлардан бу масалага эътиборни кучайтиришни талаб этади. Зотан, бир қатор участкалар янги техника билан жиҳозлаш юзасидан белгиланган графикдан муайян даражада орқада қолмоқдалар.

Капитал қурилишнинг аҳволи коммунистларни ғоят ташвишга солмоқда. Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг «Ташпромстрой» тресги бунёд этилаётган завод объектларида суръат суст, қурилиш ишлари сифати паст. Масалан, пудратчилар шу пайтгача маъмурий-лаборатория корпусидаги чала ишларни битиришга олгани йўқ. Қурилиш муддатларининг чўзилаётгани энг аввало уни ташкил этишдаги нуқсонларга боғлиқ. Конференция делегатлари, шунингдек партия комитетининг капитал қурилиш масалалари билан кам шуғулланганини, объектларнинг қурилиши қандай бораётгани бўш назорат қилинганини ўз-ўзини танқид руҳида қайд қилиб ўтдилар.

Конференция делегатлари ғоявий-тарбиявий ишларнинг аҳволини таҳлил этиб шуни таъкидлашдики, унинг йилдан-йилга савияси ошиб бормоқда, коммунистлар бутун коллективнинг меҳнат активлигига самарали таъсир кўрсатяпти. Ҳозир 4500 дан зиёд киши партия ўқувининг 35 мактаб ва назарий семинарида, 22 та коммунистик меҳнат мактаби, иқтисодий таълимнинг 136 мактабида, комсомол маорифининг 31 тўгарагида шуғулланмоқда. Партия ташкилотлари коллективнинг ҳар бир аъзосига таъсир ўтказишга, идеология ишининг ижодий аҳамият касб этишига интилмоқда.

Конференция қатнашчилари, партия ташкилоти фаолиятининг турли томонларига тўхталиб, барча соҳада КПСС XXV съезди қарорларида талаб этилганидек ишлар сифатини янада яхшилашга қаратдилар. Зотан, меҳнатга, жамоат ишларига сидқидилдан муносабатда бўлиш, партиявий бурчни юксак тушуниш ўнинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омилларидандир. Коммунистлар ташаббус кўрсатиб коллективни руҳлантирмоқдалар, уларни янги марралар сари чорламоқдалар. Конференция қатнашчилари ўз қарорларида бу янги мaрраларни аниқ белгилаб олдилар.

Ҳ. МУҲИДДИНОВ,

Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари мусобақаси

Меҳнат самарадорлигини оширайлик

Тўқимачилик комбинатининг тўқувчилари Нина Ершова ва Вера Солдатова беш йиллик бошидан бери планга қўшимча 2,3 миллион метр ип-газлама ишлаб чиқаришди. Бу меҳнат рекордининг сири нимада? Донгдор тўқимачилар станокларга хизмат кўрсатиш зонасини қарийб икки баравар кенгайтириб, фақат аъло сифатли буюм тайёрладилар.

Бу мисол агар киши ҳар бир иш жойида меҳнатга ижодий ёндошса, қандай муваффақиятларга эришиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Уч мусобақадош район корхоналарида беш йилликнинг уч ва тўрт йили планини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. 174 меҳнат илғори эса эндиликда 1981 йил ҳисобига меҳнат қилиб, беш йилликда камида ўн йиллик топшириқни бажаршга интиляпти.

1978 йилнинг январь — октябрь ойлари кўрсаткичлари	Ленин райони	Фрунзе райони	Сергели райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	102,8	101,1	101,7
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши	101,1	101,9	101,3
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	110,4	103,2	106,3
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	102,2	103,3	101,4
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	109,5	105,4	104,2
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	100,0	100,0	68,3
Планни бажармаган корхоналар:	—	—	1
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида)	—	—	549
б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	1	—	2
в) меҳнат унумдорлиги бўйича	—	—	3
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процентларда)	101,7	101,2	99,6
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	108,8	110,7	103,7
Планни бажара олмади:			
— цехлар	5	12	4
— участкалар ва бригадалар	37	31	23
— ишчилар	310	450	93
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь — сентябрь ойлари кўрсаткичлари (процентларда)	108	132	106
Турар жойни фойдаланишга топшириш, 1978 йилнинг январь — сентябрь ойлари кўрсаткичлари (процентларда)	134	78	115

Кўпгина корхоналарда фан-техника тараққиёти учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш учун кураш кучайтирилганлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш суръатларини ошириш имконини берди. Жумладан, трамвай-троллейбус бошқармасининг вагон-ремонт заводи, «Гордорстройремонт» заводининг асфальт-бетон заводи, электр-рўзғор буюмлари, ғўзапоядан плиталар ишлаб чиқарувчи, махсус мебель заводлари, қурилиш материаллари комбинати каби корхоналар ўн ойлик планни графикдан ўн кун ва ундан ортиқ ўзиб якунладилар.

Кўпгина меҳнат коллективлари социалистик мажбуриятларининг планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича бандини муддатидан аввал адо этишди. Булар қаторида «Таштекстильмаш», экспериментал фурнитура-механика заводлари, республика қурилиш министрлигининг экспериментал механика, қурилиш материаллари саноати тажриба-механика заводлари, Модалар уйи каби корхоналар бор.

Бу меҳнат коллективларига план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан аввал адо этиб, келаси йил учун яхши замин тайёрлаш имконини беради.

Бироқ «Узавторемонт» бирлашмасининг 8-экспериментал-механика, тепловоз-ремонт, 1-темир-бетон буюмлари, «Трансстрой»нинг ремонт-механика заводлари ҳатто ўн ойлик мажбуриятларини ҳам уддалаша олмади.

«Узвторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган ой планини бир неча минг сўмга ошириб бажарди. Бироқ бу маҳсулот ишлаб чиқаришда сентябрь ойида йўл қўйилган кемтикни тўлдириш имконини бермади. Оқибатда корхона ўн ойлик планни уддалай олмади.

Тўқимачилик комбинати, тепловоз ремонт заводи ўн ой мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича илгари тузилган графикдан анча ортда қолдилар. Жумладан, тепловоз-ремонт заводи 1978 йил топшириғини бажариш учун ноябрь-декабрь ойларида 3 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Бу йиллик ҳажмнинг қарийб 20 процентига тенг. Бу корхонада станоклар парки ҳақида етарли қайғурмайдилар. Ремонт хизматлари тажрибали ишчилар билан таъминланмаган, бу ерда кадрлар қўнимсизлиги катта. Оқибатда ускуналарнинг талайгина қисми, айниқса механика цехида бекор ётибди, ёмон техник холатда сақланяпти.

Корхона мутахассислари қуюв цехида қолиплаш линиясининг лойиҳа қувватини ўзлаштириш ишини чўзиб юборишяпти. Қуюв ускуналари тез-тез ишдан чиқиб туради. Кўпгина буюмлар техник шартлардан чекинган ҳолда тайёрланиши ҳам қўшни участкаларнинг ишига салбий таъсир кўрсатяпти. Заводнинг асосий участкалари бир маромда ишламаяпти, асосий маҳсулот бу ерда учинчи ўн кунликда тайёрланяпти.

Булар ҳаммаси мазкур корхонанинг асосий техника-иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этмай қолмади. Фақат йилнинг тўққиз ойи мобайнида тепловоз-ремонт заводи маҳсулот таннархининг 300 минг сўмга қимматлашиб кетишига йўл қўйди.

Ишнинг манфаатлари ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида, ҳар бир корхонада меҳнат унумдорлигини юксалтиришнинг юқори суръатини сақлашни тақозо этади. Шу куннинг вазифаси фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан, ишчиларнинг малакаси ва касб маҳоратини ўстиришдан, ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришдан, иш вақти ва ускуналардан яхши фойдаланишдан иборат.

• Вақтдан ўзганлар

БЕШ ЙИЛЛИК—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Халқимиз учун энг янги модалар бўйича кўплаб ҳар хил трикотаж кийимлари тайёрлаб бераётган пойтахтимиздаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли ўртасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан анча илгари адо этиш, хом ашё, электр қувватини тежаш ҳамда маҳсулот сифатини янада яхшилаш борасида бошланган умумхалқ мусобақаси ой сайин кенг ривож топмоқда. Агар корхона цехларини айланиб ана шу олий мақсад йўлида баракали меҳнат қилаётган зарбдор ишчилар билан танишсангиз, улар меҳнатига тасанно айтасиз.

Мана бирлашманинг бўяш цехи. Бу цехда қўли гул тўқувчилар томонидан тайёрланган капрон ҳамда ацетат толаларидан тайёрланган трикотаж матолари кимёвий усул билан турли рангларга бўялади. Бўялган матоларни тайёрлаш ва қуритишда шу цехда 22 йилдан бери унумли меҳнат қилаётган мураббий ишчи, илғор қуритиш бригадаси бошлиғи, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Роҳила Собитова бош бўлган бригада коллективи ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Бу бригада ишчилари ўз имкониятларини ҳисобга олиб, беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажариш мажбуриятига имзо чекканлар. Ҳар куни сменада бу коллектив аҳли 1000— 1200 килограмм трикотаж мато (полотно)ларини қуритиб, ишлаб чиқаришга— бичиш ва тикиш цехларига узатади.

Бригада аъзоларидан яна бири яқинда «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган Марзия опа Хабибулинадир. Бу ишчи корхона ветерани ҳисобланади. Унинг меҳнат стажи чорак асрни ташкил этади.

Бригаданинг яна бир аъзоси кун кеча «Социалистик меҳнат ғолиби» нишони билан мукофотланган Прасковья Порунова. Бригадага яқинда келган ишчи Зинаида Червонная эса ҳозирда матоларни махсус машинада қуритиш сир-асрорларини коллектив аъзоларидан қунт билан ўрганмоқда.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи Роҳила Собитова. — Халқимиз учун юқори сифатли кенг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун ҳаракат қиламиз. Бунинг учун бор имкониятларни ишга соляпмиз.

СУРАТЛАРДА: (чапда) З. Червонная билан М. Хабибулина иш жараёнида; (ўнгда) бригада бошлиғи Р. Собитова.

М. Нуриддинов фотолари.

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ ЙУЛИДАН

•

БИРИНЧИ ТАҚДИМ ЭТИШДАЁҚ

«Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» Гулистон тикув фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг бешдан тўрт қисми бундан буён биринчи бор тақдим этилишдаёқ қабул қилинадиган бўлади. Шу муваффақиятга эришган коллектив беш йилликнинг учинчи йили учун олган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан планда белгиланган кўрсаткичдан 11 процент ўзиб кетилди.

Бу йил ёш корхона коллективи маҳсулот сифатини оширишда кескин силжишга эришди. Тикув конвейерларида тайёрланаётган маҳсулотнинг 77,5 процентига ҳозирнинг ўзидаёқ биринчи категория белгиси қўйилмоқда. Бу маррага ҳам мўлжалланганидан барвақт эришилди.

Ана шуларнинг ҳаммаси сифатни бошқариш комплекси системаси муваффақиятли жорий этилганлигининг, талаб пухта ўрганилаётганлигининг, технология тинимсиз такомиллаштирилаётганлигининг натижаларидир. Ҳозир фабрика маҳсулотининг етти тури давлат Сифат белгисига сазовор бўлди, шу категориядаги маҳсулотни ишлаб чиқариш доимо графикдан олдинда бормоқда.

Иш самарадорлиги ва сифатини оширишда юксак кўрсаткичларга эришиш учун ўтказилаётган мусобақада тикувчи мотористкалардан Ш. Латипова, Д. Пардаева, Л. Челишева, Л. Ким ва бошқа зарбдорлар пешқадамлик қилмоқдалар. Улар 1980 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

(ЎзТАГ).

ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШИДА

•

БЎЛАЖАК «ДЕНГИЗ» СОҲИЛЛАРИ

Туямўйин гидроузели қурилишида Султонсанжар сув ҳавзаси соҳилларини доирасимон тарзда бириктирувчи учинчи дамба бетонланиб бўлди. Узунлиги 3 километрдан ортиқ ва баландлиги 8 метр келадиган бу гидротехника иншоотига ярим миллион куб метрдан ортиқ тош-шағал ва 35 минг куб метр бетон ётқизилди. Дамба қурилишининг саноат базасидан жуда олис бўлганлиги сабабли унинг ўзи учун махсус бетон заводи қуришга, дизель электростанция ўрнатишга тўғри келди. Зарур материалларнинг ҳаммаси барханлар оралаб ўтказилган янги автомобиль йўлида ташилди.

Дамба қурилишида Д. Давлетов, А. Қиличев, С. Маткаримов, Я. Романов бошлиқ бульдозерчилар бригадалари зарбдор меҳнат қилишди.

Тўямўйинликлар қурилиш-монтаж ишлари суръатларини кучайтирмоқдалар. Гидроузелнинг биринчи навбатини 1980 йилнинг августида, яъни белгиланган муддатдан 4 ой барвақт фойдаланиш учун топшириш мўлжалланмоқда.

[ЎзТАГ].

• Бинокорлар вахтаси

Илғор усулларни қўллаб

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли уй-жой қуриш трести бинокорлари, монтажчилари ва жилокорлари бу йил улкан марраларни қўлга киритишга аҳд қилганлар. Шунинг учун ҳам бригадалар қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда.

«Ташросстрой» қурилиш бошқармасининг Расим Солиҳов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси икки йилу тўққиз ойда уч йилга белгиланган топшириқни шараф билан адо этди. Барча қурилиш-монтаж ишлари аъло ва яхши сифатларда бажарилди.

Коллектив йил бошидан буён пойтахтнинг «Марказ— 26», «Марказ— 17», «Марказ— 18» ва Ў. Тансиқбоев турар жой массивларида кўплаб уй-жойларни бунёд этди. Бригада қурувчилари йил охирига қадар яна 60 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилди.

«Ташмосстрой» бошқармасининг Галина Вахмянина бошлиқ бригадаси эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин усулида ишлаб, барча пардоз ишларини тез ва сифатли адо этишга муваффақ бўлаётир. Бу бригада тўққиз ойлик меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини 110 процентга бажарди.

Шунингдек, жилокорлар материаллардан тежаб-тергаб ишлатишга ҳам муваффақ бўлишди. Улар 3,35 тонна шпаклёвка, 1997 квадрат метр гулли қоғозлар, 485 погонметр плинтус иқтисод қилди. Айни кунларда жилокорлар «Марказ — 17» кварталида жилокорлик ишларини тезкорлик билан амалга ошираяпти.

Трестнинг монтаж бошқармасига қарашли Раис Абдураҳмонов бошлиқ бригадаси ҳам келгуси йил ҳисобига иш бажараётир. Бу коллектив планга қўшимча 700 квадрат метр турар жой биноси деталларини монтаж қилишга аҳд қилган.

Трест бинокорлари ўртасида меҳнат беллашувини қизгин авж олдирилиши, илғор тажрибалар омманинг мулкига айланаётганлиги туфайли трест ўн ойлик Бош пудрат ишлари топшириғини 101,4, ўз кучлари билан иш бажариш вазифасини эса 103,4 процентга адо этди.

Шаҳримиз кўрки Чилонзор йил сайин янада обод ва кўркам бўляпти. Сиз мана бу фотолавҳада Халқлар дўстлиги проспекти бўйлаб бунёд этилган замонавий турар жойлар комплексини кўриб турибсиз. Бу ерда ҳозир кенг кўламда ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирлари олиб борилпяти.

• Беш йилликнинг ёш гвардиячилари

ИСТАК БЎЛСА...

Ҳеч бир коллективни ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар коллективнинг келажаги, ғурури ва зарбдор кучидир. Коллективда ёшлар кўпчиликни ташкил этгани учун, кўпинча уларнинг интилиши ва ташаббуси кўзга чалинмай қолади. Шундай бўлсада улар ўзларини меҳнатда кўрсатишади. Меҳнатда илғорликка эришишнинг янги-янги йўлларини қидиришади.

Юрий Хан ҳам ана шундай ёшлардан биридир.

Цехда смена бошланмасдан ҳаёт жонланади. Кечаги суронли меҳнатдан сўнг сокин турган станоклар яна ҳаракатга келади. Булар ҳаммадан бурун келишга улгурган ишчиларнинг дастгоҳлари. Шулар орасида Коммунистик меҳнат зарбдори Юрий Хан ҳам бор. У фрезерлик дастгоҳини юргизгунча цехга бирин-кетин кириб келаётган ҳамкасбларининг саломига алик олар, кўзи эса станок тиғи остида ишланаётган деталда эди. Мана, дастлабки деталь тайёр. Юрий навбатдаги детални қўлга олди.

— Юрий,— унинг диққатини бўлди смена мастери Э. К. Сатторов шошганча келиб. — Сенга топшириқ, ҳам илтимос. Бугунча пармалаш станогида ишлаб берсанг? Пармачилар улгира олишмаяпти. Тағин йиғув цехидагилар тўполон кўтаришмасин.

— Хўп, ҳозир,— дарров рози бўлди Юрий.

— Яша, қани энди сен кабилар кўпроқ бўлса.

Юрий бир четда турган пармалаш станогида ишни бошлаб юборди. У энди бутунлай бошқа деталларга ишлов бера бошлади. Парма ёнидан металл қуйқумлар уча бошлади.

Бир йигитга қирқ ҳунар оз дегандай, Юрий ҳам кўп касб соҳиби. У тажрибали фрезерчи, шу билан бирга уста пармаловчидир. У бу касбларни шу ерда ўрганди. Унинг коллективга келиб қўшилиши ҳам барча ёшларники каби оддийгина. Ўрта мактаб, ҳарбий хизмат. Кейин завод. Завод остонасидан ҳатлаганда у ҳеч бир касбга эга эмасди. Лекин заводда касбдан кўпи йўқ. Формачими, токарликми, фрезерчиликми ёки пармаловчиликми, ҳаммаси йигитлар боп иш. «Таштекстильмаш» заводининг даргоҳи кенг, хоҳлаган касбингни эгаллашинг мумкин.

У механика цехлари бўйлаб айланди. Юрий ишга кираман-у, 2—3 кунда касб ўрганиб, кейин станокни ғириллатиб ишлаб кетавераман, деб ўйлаганди. Фрезерчилик уни қизиқтириб қўйганди. Аммо касб ўрганиш у ўйлаганча бўлиб чиқмади. Юрий завод қошида очилган махсус ишчи ёшлар мактабини битирди. Мана, у станок қошида. Ишлаб чиқариш планини бажариш нечоғлик оғир эканлигини Юрий амалда синаб кўрди. Станок тиғи остида ишланаётган деталь сал қўпол ҳаракат билан бузилиб кетар, натижада бракка чиқарди.

— Биласанми, — деди ўзаро суҳбатда ишчилардан бири унга тегдириб— бизнинг қўлимизгача етиб келган ҳар бир деталга қанча ишчи кучи сарф бўлади. Қолиплаш цехида модели қуюлади, унга қуювчилар металл қуяди. Кейин сараловчилар қўлидан ўтади. Хуллас, бизгача қўлдан қўлга ўтиб келади. Биз эса унга охирги ишловни берамиз. Лекин шунча ишловдан чиқиб келган детални биз бракка чиқариб юборамиз. Бунга баъзи пайтда ачинмаймиз ҳам. Юрий қалбида қандайдир оғриқни ҳис қилди. Бу виждон азоби эди. Ахир у қанчалаб деталларни бракка чиқариб юбормади. Кунлик нормаси эса 75 —80 процентдан нарига ўтмайди. Демак, маҳоратини ошириш керак. Ким ўргатади?

Ўргатувчилар топилди. Тажрибали ишчилар ўз маҳоратларини у билан жон-жон деб ўртоқлашдилар. Ҳамкасбларининг бу олижаноблиги ундаги яхши хусусиятларни кўпайишида муҳим омил бўлди. Юрий ҳам илғор ишчилар сафидан жой олгач, ёрдам истаб келган янги ишчиларга ўз тажрибасини ўргата бошлади. Энди у илғор ишчи, кунлик ишлаб чиқариш нормаси эса 100 процентдан пастга тушмайди.

Коллективга яхши аралашиб кетган ҳар бир ишчи коллективнинг паст-баландини беш қўлдай билиб олади. Цехда аксарият ишчилар кўп касбли эди. Токарлик станогини бошқарган ишчи фрезерчилик ёки пармалаш станогини бемалол бошқарар, йиғув цехи талаб қилган деталларни етказиб беришда улар асосий роль ўйнар эди. Агар фрезерчи станогидан чиқадиган деталга танқислик сезилса, токарь ўз станогини вақтинча ташлаб, фрезерлик станогини эгалларди. Керакли деталь етказиларди. Юрий ҳам сиртдан пармаловчилик касбини эгаллай бошлади. Энди у коллектив илғори. Фрезерчилик ва пармаловчилик унинг касби бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш нормаси эса 105— 107 процентни ташкил эта бошлади. У машаққатли меҳнатдан сўнг тезда кўзга ташланди. Коллективда эндиликда унинг ўрни бор. Ҳар куни йигирув ва тўқув дастгоҳлари учун қанча-қанча деталлар ишлаб чиқаради. Брак деярли йўқ. Вақтдан унумли фойдаланишга келсак ундан ўтадиганни йўқ. У Коммунистик меҳнат зарбдори. Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб туҳфалар билан кутиб олгани учун завод партия ва комсомол комитети уни фахрий ёрлиқ билан тақдирлади. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллик тўйини ҳам яхши меҳнат армуғонлари билан кутиб олди. Ҳа, у отилиб чиқди. Меҳнатда ўзини тез кўрсатди. Унинг меҳнат стажи ҳам кўп эмас, атиги 4 йиллик.

«Таштекстильмаш» заводининг 3-механика цехининг илғор ишчиси Юрий Хан 1979 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. Шунингдек, у ёшларнинг устози. Айни кунда ёш ишчи Х. Шабдиевга касб сирларини ўргатмоқда.

— Агар истак бўлса, жамият олдидаги ишчилик бурчингни чуқур ҳис этиб меҳнат қилсанг, интилган мақсадингга эришасан. — дейди Юрий Хан ишонч билан.

Н. НОРҚОБИЛОВ.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. НИЗОМХЎЖАЕВА: Отпускадан келсам, заводимиз директори мени бошқа цехга ишга ўтказиб қўйибди. Шу тўғрими?

Жавоб: Меҳнат ҳақидаги қонунларга кўра корхона, ташкилот ва муассаса бошлиқлари ишчини ўз хоҳишисиз бошқа ишга ўтказишга ҳақлари йўқ.

* * *

Н. ТУРДИЕВ: Фабрика ва заводларда касаба союз ташкилотининг меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари қандай тузилади?

Жавоб: Меҳнатни ҳимоя қилиш комиссияси меҳнатга доир қонунларга, хавфсизлик техникаси. ишлаб чиқариш санитария қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатишда касаба союз маҳаллий комитетига ёрдам беради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси касаба союз аъзолари бўлган ишчилар, инженер-техник ходимлардан тузилади. Комиссия составини завод ва корхонанинг касаба союз маҳаллий комитети тасдиқлайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиясига касаба союз комитети маҳаллий комитетининг аъзоси бошчилик қилади. Комиссияга корхона раҳбарлари составига кирувчилар бошчилик қилишига рухсат этилмайди.

* * *

М. БОБОЕВ: Мен ишлайдиган бошқармада касаба союз аъзолиги билетлари касаба союз комитетининг раисида сақланади. Шу тўғрими?

Жавоб: ВЦСПС Марказий Комитетининг касаба союз аъзолиги бадалини тўлаш ҳақидаги кўрсатмаларига кўра, касаба союз аъзолиги билетини касаба союз раисида қолдириш. ҳатто марка ёпиштириш учун вақтинча бериб қўйиш ҳам ман этилади.

* * *

Т. ВАЛИЖОНОВ: Бизнинг қўшнимиз уйини кўп йиллардан бери ремонт қилмас, кўча девори эса бир-икки йил олдин бузилган бўлса ҳам тузатиб олмаган эди. Яқинда давлат томонидан жарима солинибди. Бизга уйни хўжасизларча сақлаган шундай кишиларга қандай чора кўрилиши ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик Кодексига кўра. агар граждан ўз уй-жойини хўжасизлик билан сақласа. унинг бузилишига йўл қўйса. халқ депутатлари маҳаллий советининг ижроия комитети уйни ремонт қилиши учун эгасига маълум муддат тайинлаши мумкин. Агар граждан узрсиз сабабларга кўра ремонт қилмаса. суд халқ депутатлари район. шаҳар Совети ижроия комитетининг даъвоси бўйича хўжасизлик билан сақланаётган уйни бепул олиши ва халқ депутатлари маҳаллий Совети фондига топшириш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Ўрта мактабларда кўча ҳаракати қоидаларини ўргатиш йўлга қўйилганига анча бўлди. Шунга қарамасдан айрим ўқитувчиларнинг ўзлари кўчада юрганларида ҳаракат хавфсизлигига. кўча ҳаракати қоидаларига амал қилишмаяпти. Бунга Тошкентдаги 231-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Лидия Степановна Пустовитни мисол келтириш мумкин. Қизил чироқ ёниб турган бўлишига қарамасдан у Куйбишев шоссесини кесиб ўта бошлади. Буни қарангки, у пиёдалар ўтиш йўлкасидан эмас, транспорт ҳаракатига мўлжалланган жойдан ўта бошлади. Натижада уни Николай Глухов бошқариб келаётган 89-19 ТНН рақамли «ЗАЗ — 968» автомобили уриб кетди. Ҳайдовчининг ҳушёрлиги туфайли қоидабузар қаттиқ жароҳатланмади.

Кўча ҳаракати қоидасини ўргатиш билан шуғулланувчи Л. Степанованинг бу хатти-ҳаракати ҳеч бир қоидага тўғри келмайди.

Бухарестнинг «Химимпорт-экспорт» ташқи савдо корхонаси Ленинградда янги доривор препаратларни, упа-эликларни, рўзғор химияси бўёқлари ва лакларини намойиш этмоқда. Бу маҳсулотлар СССР савдо-саноат палатасининг ёрдами билан Руминия экспортчилари ташкил этган виставкада кўргазмага қўйилган.

СУРАТДА: томошабинлар виставка экспонатларини кўздан кечиришмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

• Шаҳримиз театрларида

Саҳнада — Пушкин асарлари

А. С. Пушкиннинг кичик трагедиялари «Ёш гвардия» театрининг ўнинчи мавсумидаги илк янги спектакль бўлади. Келажакда унинг репертуаридан муносиб ўрин эгаллайди...

«Моцарт ва Сальери», «Тош меҳмон»... Бу икки кичик трагедия шу вақтгача ўзининг ўткир фалсафий теранлиги билан иттифоқдош ва чет элдаги қанчадан-қанча театрларни мафтун этмади, репертуарларни безамади, ҳатто бу асарлар асосида опера ва балет яратилганлиги ҳам ҳаммага аён. Айни чоғда бу икки асар ўзбек саҳнасида ўз аксини топиш арафасида турибди.

Мана, биз театр залида репетиция жараёнини кузатиб ўтирибмиз. Чамаси, А. С. Пушкиннинг театр ва драматургияга қарата айтган фикрларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритилмоқда. Пушкин: «Ҳар бир қаҳрамон ўз даврига мос бўлиши керак, у ўз муҳити билан бўлган муносабатига мутлақо ҳиёнат қилмаслиги шарт», деган эди. Режиссёр И. В. Радун ана шу таълимдан келиб чиққан ҳолда асар қаҳрамонларига ёндошмоқда. Ҳар бир ҳаракат мантиқида ўша даврга, муҳитга муносабат сезилади. Акс ҳолда асар замиридаги замон ҳақида фалсафий мушоҳида томошабинга ноаниқ етиб бориши турган гап.

«Моцарт ва Сальери» трагедиясида инсон психологиясини, унинг ички туғёнини, кишида ҳасад, нафрат каби иллатлар қандай туғилиши фош этилади, шу нуқтаи назардан қаралса, бу трагедиянинг бугунги кунда қайта саҳна юзини кўриши бежиз эмас.

Катта қалб эгаси, садоқатли Моцарт образини яратиш устида театрнинг етакчи актёрларидан бири Элдор Ҳакимов иш олиб бормоқда. Сальерининг мураккаб, изтиробга тўла зиддиятли характерини очиш масъулияти актёр Рустам Каримов зиммасида.

Спектакль инсон онгининг шаклланишида, ярамас хусусиятларни инсон табиатида пайдо бўлиши ва уни мудҳиш оқибатга олиб келишида муҳитнинг таъсири каби фалсафий фикрлар актёрлар ижросида очилади.

Юқорида айтганимиздек, театр коллективи бир вақтнинг ўзида иккинчи трагедия «Тош меҳмон» устида ҳам иш олиб бормоқда. А. С. Пушкин ўзининг «Тош меҳмон» асарида асрлар бўйи яшаб келаётган қаҳрамон Дон Жуан проблемасини ҳал этади. Асарда автор қаҳрамон руҳиятидаги барча кескин ўзгаришлар, зиддиятлар ноъмаъқулчиликларга сабаб қилиб ноқобил тузум ва муҳитни айблайди. Ана шу позициядан туриб иш кўраётган театр коллективи характерлар ҳақиқатини яратишда муҳитнинг нақадар муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор бермоқда.

Бу спектаклни ҳам саҳнага олиб чиқаётган режиссёр И. В. Радунасар ечими томомила ҳозирги давр руҳига, замон талабига ҳамоҳанг — инсон ҳар вақт ўз қилмиши учун тақдир қаршисида жавобгардир, деган мантиқ асосида актёрлар билан қаҳрамонлар руҳиятини ифодалаш устида ишламоқда.

Бу спектаклда бош роль — Дон Жуанни ёш актёр Ҳошим Арслонов тайёрлаяпти. Бу унинг профессионал театр саҳнасида яратаётган жиддий, мураккаб, илк ролларидан биридир.

Спектаклнинг руҳига мос музикалар топиш ниятида Шуҳрат Ҳошимов жиддий ижодий изланиш олиб бормоқда.

Хуллас, А. С. Пушкин асарлари «Ёш гвардия» театри орқали ўзбек томошабинларига илк бора туҳфа этилиши арафасида турибди.

А. МИРҲАБИБОВ.

• Маданият хроникаси

Дискотека намойиш этмоқда

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Звезда Востока» маданият саройида ташкил этилган янги «Граммофон» дискотека клуби қизиқарли маданий тадбирларни олиб бормоқда. Бу клубнинг ижрочилик фаолияти янги репертуар билан бойитилган. Унда ўз озодлиги учун курашаётган Чили халқининг ватанпарварлик фаолиятини акс эттирувчи музика асарлари, қўшиқлар, шеърлар, бадиий лавҳалар ўрин олган. Клуб коллективи ана шу репертуарни яқинда Тошкентда бўлиб ўтган дискотека клублари кўригида намойиш этиб, конкурс лауреати унвонига сазовор бўлди.

БУГУН

«Чилига озодлик» программаси бўйича сиёсий ва жанговар қўшиқлар программаси 166-ҳунар-техника билим юртида намойиш этилди. Тингловчилар клуб аъзоларининг чиқишини қизғин қарши олдилар.

Санъат ва ёшлар

Ўзбекистон ССР театр жамиятининг Актёрлар уйида ташкил этилган янги «Ёшлар — ёшларга» деб аталган санъат журнали мактаблар, билим юртлари ўқувчилари, ёш ишчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Журналнинг ҳар бир сонига жуда кўплаб тингловчи тўпланяпти. Улар Тошкентдаги санъат даргоҳларининг ёш ижодкорлари ижросида музика асарларини тингламоқдалар, саҳна асарларини кўрмоқдалар.

Журналнинг бўлиб ўтган навбатдаги сонида Тошкент оперетта театрининг артистлари қатнашдилар. Улар турли спектакллардан парчалар ва ариялар ижро этиб тингловчиларни мамнун этишди.

Бундан ташқари кечада иштирок этган «Эталон» заводининг илғор слесарлари Александр Биткалов ва Азиза Ғафуровалар ишлаб чиқаришдан қандай ўрин олганликлари, меҳнат фаолиятининг жўшқинлиги ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

МАКТАБДА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкентдаги 99-мактабда ташкил қилинган ота-оналар сиҳат-саломатлик университетида машғулотлар «Мактаб ўқувчисининг овқатланиш гигиенаси» деган мавзуда врач ўқиган лекция билан бошланди. Университет программасида мутахассисларнинг лекция ўқишлари ва суҳбат ўтказишлари, савол ва жавоб кечаларини уюштириш, ҳужжатли фильмларни намойиш қилиш кўзда тутилган. Бу мактабда ота-оналар педагогика билимлари университети ҳам муваффақиятли ишлаб турибди.

(УзТАГ).

Ҳурматли редакция! Менинг тишим қимирлаб, кўпдан бери оғриб юради. Врачга учрашсам тишингиз пародонтоз касаллиги билан оғрибди, деди. Бу касалликнинг олдини олиш, даволаш учун нима қилиш керак. Шу ҳақда мутахассис маслаҳатини берсангиз.

Т. НУРИДДИНОВА, ўқитувчи.

ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

ТИШИНГИЗНИ АСРАНГ

Тишнинг бу хасталиги ички ва ташқи турли хил сабаблар туфайли тиш атрофи тўқималарида касаллик келтириб чиқаради. Жағ суяги ўсимталари аста-секин емирилиши натижасида тиш қимирлай бошлайди. Милк қонайди, милкда яллиғланиш, тиш ва милк орасида патологик чуқур «чўнтак»лар ҳосил бўлиб, йиринг чиқа бошлайди, оғиз ҳидланади бемаза таъм сезилади. Халқимиз бу касалликни «суғурма тиш» деб атайди .

Пародонтоз касаллигида тишлар қимирлаб қолиши кўп кузатилади. Шунинг учун баъзилар, пародонтозни даволатсанг ҳам, даволатмасанг ҳам бари бир тишинг қимирлаб тушиб кетади, дейишади. Бу нотўғри фикр. Пародонтоз қунт билан даволанса, қимирлаб қолган тиш ҳам беш-ўн, ҳатто 15 йил овқат чайнашда бемалол хизмат қилади. Агар бу касаллик даволанмаса, бир-икки йилда ўн-ўн бешта тиш баравар қимирлаб қолиши, улар тушиб кетиши мумкин.

Пародонтозни даволашда аввало тишларни тошлардан яхшилаб тозалаш, милк-тиш «чўнтак»ларига дорилар қўйиш, яллиғланишга қарши антибиотиклар қўллаш даркор. Биз зира, қайин замбуруғи (бефунгин) ни 300 дан ортиқ беморда пародонтоз касаллигини даволашда қўллаб яхши натижаларга эришдик. Зирани майдалаб, бефунгинни пахтага шимдириб тиш-милк оралaридаги «чўнтак»ларга ҳар куни, баъзида кун ора 15—20 кун давомида қўйилади. Дори қўйилган пайтда бир соат овқат емаслик, сув ичмаслик керак. Кечқурун ва эрталаб наҳорга бир қошиқ зира ёки ярим чой қошиқ бефунгинни 20 кун давомида ичиш тавсия этилади. Зира ёки бефунгин билан даволаш натижасида милкдаги яллиғланиш йўқолади, қонамайди, йиринг бўлмайди, оғзидаги қўланса ҳид йўқолади, тишларнинг қимирлаши анча камаяди. Олти ойдан сўнг қайта даволаш курси олинади. Шуни алоҳида айтиш керакки, пародонтозни даволашни фақат врач-стоматолог олиб бориши шарт.

Тиш ва милк касалликларини даволаш ва уларнинг олдини олишда сақич чайнаш жуда фойдали. Лекин шакарнинг ҳам ози ширин деганларидек, ҳар нарсанинг ўз меъёри бор. Сақични овқатдан кейин 10—15 минутгина чайналса овқат яхши ҳазм бўлади, тиш-милк овқат қолдиқларидан тозаланади, массажланади, трофикаси яхшиланади. ҳамда тишнинг қуввати ошади. Натижада тиш ва милкда кариес ва пародонтоз касаллиги камаяди. Ҳар бир киши сақич чайнашни бошлашдан олдин тиш ва милкдаги касалликни яхшилаб даволатиб олиши, шунингдек стоматолог, терапевт врачлар билан маслаҳатлашиши керак.

Биз ўн йилдан ортиқ вақт ичида тишида пародонтоз касали бор ва тишлари соғлом 150 дан ортиқ кишида сақич чайнашнинг фойда ва зарарини кузатдик. Кузатишлардан маълум бўлдики, сақич тишда учрайдиган пародонтоз, кариес касалликларининг олдини олади. шунингдек ошқозон-ичак хасталикларини даволашда муҳим омил бўлади. Сақич сифатида парафин-канифол аралашмаси, асал мўми, медицинада ишлатиладиган мўм кабилардан фойдаланса бўлади.

Тишни турли касалликлардан сақлашда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, уни доим тоза тутиш. иссиқ ва совуқдан сақлаш, вақтида стоматолог врачларга кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шуларга амал қилинганда тиш касалликларидан ҳоли бўлиб, саломатлигимиз янада яхшиланади.

Т. ФАЙЗУЛЛАЕВ,

Тошкент Давлат медицина институти терапевтик стоматология кафедрасининг доценти.

Яқинда Урта Осиё медицина педиатрия институти қошида уч юз ўринли терапия, хирургия ва болалар касаллиги бўлимларини ўз ичига олган клиника иш бошлади. Студентлар бу ерда чуқур билим олиш билан бирга амалий машғулотлар олиб бориш имкониятига ҳам эга бўлмоқдалар. Беморлар эса малакали шифокорлар қўлида даво топишяпти.

СУРАТДА: (чапдан учинчи) медицина фанлари доктори, профессор Уткир Шаропов ўз ҳамкасблари даврасида.

Қадимги ҳикоятлар

ДАРМАНД УГИЛ

Кисронинг бир ўғли бор эди. У жуда кўп овқат ер, ҳамиша хаста ва бемор эди. Ҳеч ким унинг касаллик сабабини билмас эди. Бир табибни келтирдилар. У йигитнинг томирига қўл қўйиб, кўп ейиш туфайли овқат ҳазм бўлмасдан ҳиқичоқ ва кекириш касаллигига мубтало бўлганини билди ва уни даволади. Кисро: «Унга нима бердинг?» деб сўради. «Очлик!» деб жавоб берди табиб.

Байт:

Жисмнинг сиҳатини ўйласанг мудом,
Заруратдан ортиқ емагин овқат.

ЗАРАРЛИ ТАОМ

Абу Али ибн Сино бир содда одамга деди:

— Одам таомни ейди, лекин таом ҳам одамни ейди.

— Ие, бу қанақа таом? — сўради содда одам.

— Ҳаддан ташқари кўп ейилган таом, — деди ибн Сино.

НАФС

Абул Аббос қассоб оз, лекин сифатли овқат ер эди, у ҳеч бир дард кўрмаган эди, ундан бунинг сабабини сўраштганда, доим: «Нафсимни тийиб кўп овқат емас эдим. шунинг учун табибга ишим тушмади» деб жавоб берарди.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

Газетхон саволларига жавоб

М. ҚОДИРОВА, Д. ШАМСИЕВА: Ҳурматли редакция! Ҳаво салқин бўлиши билан астма-нафас қисиш хасталиги кучаяди, бундай пайтда нималарга эътибор бериш керак? Беморлар поликлиникалардан ташқари қайси шифохонага қатнаб даволанишлари мумкин?

Жавоб: Астма хасталиги бор беморлар ўзларини иссиқ тутишлари, хона ҳароратининг нормал бўлишига эътибор беришлари керак. Поликлиникаларда мутахассис врачларга кўрсатиб яхши даволаниш, шу билан бирга шаҳримиздаги аллергология марказида малакали шифокорлардан тегишли маслаҳатлар олиш мумкин. Аллергология маркази Ўзбекистон Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти Циалковский кўчаси. 325-уйга жойлашган. Бу ерга 3-трамвай ва 19-автобус билан борилади.

* * *

М. ОБИДОВА: Болалар яхши, соғлом ўсишлари учун қанча вақт ухлашлари керак? Баъзида улар кўп ухлашади, бу фойдалими ёки зиёни борми?

Жавоб: Маълумки, инсон уйқу билан тирик. Куни билан ҳаракатда бўлган одам организми кўп куч сарфлайди, киши ухлаганда ана шу сарфланган куч ўрнини қоплайдиган янги энергия тўплайди. Ишлайдиган органларга дам бериш учун 7 яшар бола— ўн бир соат, 8—9 ёшли бола эса— 10 ярим соат ухлаши керак. Бундан ортиқча уйқунинг албатта фойдаси йўқ. Умуман бола етарлича ухламаса, организми заифлашади, яхши ўса олмайди, нимжон бўлиб қолади. Ухлашдан олдин хонани албатта яхшилаб шамоллатиш лозим, хонанинг ҳарорати 14 даражадан паст ва 18—20 даражадан юқори бўлмаслиги керак.

* * *

О. ТОЖИЕВ: Кўп сув ичиш организмга зиён қилади дейишади. Мен эса кўп сув ичаман, бунинг сабабини билиш учун қайси мутахассис врачга кўрсатишим керак?

Жавоб: Ҳаддан ташқари кўп сув ичиш организмдаги керакли оқсилларни, витаминларни йўқотишга олиб келади. Бундай беморлар ўзларини эндокринолог врачларга кўрсатишлари ва керакли маслаҳатлар олишлари керак. Эндокринолог врачлар ҳамма поликлиникаларда бор. Шунингдек шаҳримиздаги Ўлка Медицина институтининг (Максим Горький проспекти, 56-уйда) эндокринология бўлимида ҳам етук мутахассис врачлар ишлашади. Шу ерда улардан тегишли маслаҳатлар олиш мумкин. Бу институтга 13-трамвай, 18-троллейбус, 69-автобус ва маршрутли такси билан бориш мумкин.

* * *

Ш. ТОЛИПОВ, А. АҲМАДХЎЖАЕВ, Х. ЖАЛИЛОВ, Х. САИДОВ: Югуриш, лўкиллаб чопиш ҳаммага ҳам фойдалими? Шу ҳақда маслаҳат берсангиз.

Жавоб: Илмий манбаларга қараганда, мускулларнинг етарли актив бўлмаслиги бир қатор оғир касалликлар, жумладан қон томирлари склерози ва бошқа хасталикларни келтириб чиқаради. Лўкиллаб югуриш ишкибозлари орасида илгари қон босими, қанд, турли неврозлар ва бошқа касалликлар билан оғриганлар кўп эди. Бу кишиларни икки йил кузатиш шуни кўрсатдики, агар физкультура билан тўғри шуғулланилса, машғулот организмдаги касалликларнинг ривожланишини тўхтатибгина қолмай, унинг анча тузалишига ҳам сабаб бўларкан. Югуриш натижасида юрак-қон томири касалликлари билан оғриган беморларда юрак санчиғи йўқолган, қон босими нормал ҳолга келган. Невроз билан оғриган ва ошқозон-ичак системасининг иш фаолияти бузилган кишиларнинг аҳволи яхшиланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, югуришни бошлашдан ва уни бажариш давомида албатта мутахассис врач билан маслаҳатлашиш керак. Врач машғулот билан шуғулланувчи кишини вақти-вақтида назорат қилиб туради. Югуриш масофаси ҳамда тезлиги аста-секин ошиши мумкин. Бирдан кўп югуриш, ҳаддан ташқари югуришга берилиб кетиш ҳам яхши эмас, бу юрак қон-томири хасталиги билан оғриган кишиларга зарар етказади.

◆ БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

БОЛАЛАРГА ШОКОЛАД БЕРИШ ФОЙДАЛИМИ?

Кўпчилик болаларни хурсанд қилишнинг энг яхши йўли конфет ёки шоколад бериш, деб ўйлайди. Бола боғчадан қайтганидан кейин отаси ёки онаси шоколад ёки конфет узатиб завқланади. Уйга меҳмонга келган кишилар ҳам боланинг қўлига шоколад тутқазадилар. Чиндан ҳам шоколаддан бош тортадиган болалар камдан-кам бўлади. Лекин бу ширинлик ҳамма болаларга ҳамиша фойда қилавермайди.

Маълумки, шоколад тўйимли, хушхўр ширинлик. Унга солинадиган какаода бир талай экстрактив моддалар бор, улар боланинг асаб системасини қўзғайди. Ана шунинг ўзиёқ ҳали уч ёшга тўлмаган болаларга шоколад беришдан воз кечишга мажбур этади.

Экссудатив диатез бўлган болалар шоколад еганда кўпинча баданига ғудда сочиб, қичишади. Бундай болаларга шоколад ва шоколадли конфетларни асло бермаслик керак. Жигар ва меъда касалликлари бўлган асабий болаларга ҳам шоколад зарарлидир. Шоколад тўйимли бўлганидан боланинг иштаҳасини тез бўғади.

Баъзи оналар болани ўринга ётқизишдан олдин унга ширинлик беради. Бу бутунлай ярамас одат. Ширинлик боланинг оғзида узоқ туриб, тишини бузади. Бундан ташқари уйқуга ётишдан олдин ейилган шоколад кечаси болани безовта қилиб, кўнглини айнитади ва ҳатто қустиради.

Шундай экан, шоколадни уч ёшдан ошган ва тамомила соғлом болаларга бериш мумкин. Ана шунда ҳам озгина ва фақат маълум вақтда — овқатдан кейин бериш керак. Экстрактив моддалар камроқ бўлган «Сливочний», «Молочний» шоколадлари болаларга яхши сингади.

Наҳотки ширинликнинг фойдаси бўлмаса, деб сўрайдиган кишилар ҳам топилади. Ширинликлар фойдали ва ҳатто зарур моддалардир, аммо уларнинг сифати ва миқдори боланинг ёшига мос келиши керак. Болага шакар албатта керак. Гўдак бола ҳаётининг дастлабки ойларида она сутидаги шакарнинг ўзи унга кифоя қилади. Шакар қўшилган шарбат, ширгуруч, кисель бера бошланиши билан бола кўпроқ қанд олади. Бола каттароқ бўлиб қолгач, шакарли овқатларнинг хили ҳам кўпайтирилади. Уларга ширин булочка дейсизми, печенье, кекс дейсизми, хуллас шунга ўхшаш ширинликлар кўплаб берилади.

Бир ёшдан ошган болаларга мармелад, мева, карамель, зефир бериш мумкин, болаларга овқатдан кейин ҳўл мева ва унинг сувлари берилса, жуда ҳам яхши бўларди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

ХАНОЙ. Мамлакат жанубидаги энг катта шаҳар — Хошимин полиграфия саноати энди ранг-баранг буклетлар, календарлар, откритка тўпламлари, ўнлаб газета ва журналлар, Вьетнам ёзувчиларининг, жаҳон адабиёти классикларининг чиройли безатилган асарларини чиқармоқда. Ҳозир бу тармоқ шаҳардаги етакчи тармоқлар қаторида турибди. у социалистик ўзгартишларни биринчилар қаторида ўтказиб бўлди. Қўғирчоқ режим вақтида ишлаб келган мингдан ортиқ майда тарқоқ босмахона ўрнига ҳозирги вақтда 30 та давлат корхонаси ва кооператив бирлашма тузилди.

Полиграфия саноати замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда, офсет босма усулига ўтмоқда. Хошимин босмахоналарининг маҳсулоти дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда, бу ерда кўпгина чет давлатларнинг буюртмалари ҳам бажарилмоқда.

«КИЧИК ЕР» ШРИ ЛАНКАДА НАШР ЭТИЛДИ

КОЛОМБО. Шри Ланка Республикасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» эсдаликлари кўп нусхада нашр этилди. Шри Ланкалик машҳур ёзувчи Г. Витане китобга ёзган кириш сўзида гитлерчилар фашизмини тор-мор келтиришда совет халқи ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини эслатиб ўтади. Л. И. Брежнев, деб ёзади у, ўзи бевосита иштирок этган, қалбларимизни ва ақл-идрокимизни ҳаяжонлантирадиган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилиш билангина кифояланиб қолмай, совет кишиларининг қаҳрамонлиги, олийжанoблигини ҳам кўрсатиб берган, уларнинг кўплари фашист агрессорларга қарши курашда жонларини фидо этдилар. Л. И. Брежнев жаҳон тарихига мислсиз қаҳрамонлик намунаси бўлиб кирган Улуғ Ватан урушининг энг муҳим жангларидан бири тўғрисида ҳикоя қилиш билан бирга айни пайтда тинчлик учун, уруш хавфини батамом йўқотиш учун янада активроқ курашга бизни даъват этади.

Шри Ланка жамоатчилиги бу ерда «Кичик ер»нинг нашр этилишини зўр қизиқиш билан кутиб олди.

МАНЗУР БЎЛМОҚДА

БУХАРЕСТ. Румининг Риуре шаҳридаги консерва заводи ишчи аёлларининг моҳир қўллари шу корхона олдидаги майдонни боғ-бўстонга айлантирди. Бу хиёбондаги гўзал ва ранг-баранг гуллар кишиларда байрам кайфиятини уйғотади, уларни янада яхшироқ ишлашга руҳлантиради. Бу йил шу корхонада ишлаб чиқариш плани анча ошириб бажарилди, меҳнат унумдорлиги ўсди.

Ҳар йили 15 минг тонна хилма-хил компотлар мураббoлар, мева консервалари, шарбатлар ишлаб чиқарувчи бу заводнинг ширин-шакар маҳсулоти жиҳондаги 24 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи харидорларига манзур бўлди.

ГФР. Нейтрон бомба ишлаб чиқариш бўйича АҚШнинг режалари инсониятга зид эканлиги намойишчиларнинг олдинги сафида бораётган мана бу кичкинтойга ҳам яхши маълум. Шунинг учун ҳам у нейтрон қуролларининг ишлаб чиқарилишига қарши норозилик билдираётган намойишчилар сафида Бонн кўчалари бўйлаб боряпти.

ТАСС фотохроникаси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

БУ СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

Сиз автомобиль, мотоцикл, мопед, мотороллер сотиб олдингиз. Дам олиш кунлари сиз оилангиз билан шаҳар чеккасида дам олишингиз, жонажон ўлка бўйлаб отпускада сайрга чиқишингиз мумкин. Аммо кўча ва йўлларда транспорт қатнови йилдан-йилга тиғизлашмоқда, тезлик ортмоқда, бу эса транспорт ҳодисаларининг кўпайишига олиб келади.

Транспорт воситалари ҳақида кўнгил тўқ бўлиши учун уни страхование қилишни тавсия этамиз. Бундай шартномани бир йилга икки ойдан ёки 11 ойгача муддатга тузиш мумкин. Транспорт воситасини ундан қанчалик фойдаланганлигига қараб ўз қиймати даражасида страхование қилиш мумкин. Страхование тўлови страхование суммасининг миқдорига боғлиқ. Страхование баҳоси қанчалик кўп бўлса, ундан ундириладиган тўлов шунчалик кам бўлади. Мисол учун, автомобиль 50 сўмга страхование қилинган тақдирда бир йиллик тўлов страхование суммасининг 3 процентини ташкил этади. 3 минг сўмга страхование қилинганда эса—1,5 процентни ташкил этади. Мотоциклни 20 сўмга страхование қилинганда бир йиллик тўлов страхование суммасининг 2 процентини, 800 сўмга страхование қилинганда эса атиги — 1 процентни ташкил этади.

Транспорт воситасини страхование қилдирган шахсларга, агар улар икки йил сурункасига аварияга йўл қўймаган бўлса, янги шартнома тузиш вақтида ундириб олинадиган тўлов суммасининг 10 проценти ҳажмида скидка берилади, 3 йил ва ундан ортиқ муддатга эса—15 процент.

Страхование шартномаларини Госстрах агентини чақирган ҳолда яшаш жойида ёки иш жойида расмийлаштириш мумкин.

Тўловларни бухгалтерия ва яшаш жойи орқали нақд пулсиз ёки страхование агентига нақд пул билан тўлаш мумкин.

ҲАЁТНИНГ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕСИ

ШАХСИЙ СТРАХОВАНИЕНИНГ ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН ТУРЛАРИДАН БИРИ ҲАЁТНИНГ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕСИДИР

Ҳаётнинг аралаш страхованиеси шартномалари 16 ёшдан 65 ёшгача бўлган СССР гражданлари билан 5, 10, 15 ёки 20 йил муддатга тузилади. Аммо страхование муддати охирида унинг ёши 70 дан ошмаслиги керак.

Страхование гувоҳномасида кўрсатилган страхование суммаси қуйидаги ҳолларда тўланади:

страхование муддати тугаганда;

лат ейиш, ярадор бўлиш, куйиш, совуқ уриши, суяк синиши, заҳарли ўсимликлар, химиявий моддалар ёки сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан қаттиқ оғриши ҳамда баҳорги — ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриши натижасида умумий меҳнат қобилиятини тўла йўқотганда:

страхованиечи вафот этганда.

Агар страхование шартномаси «Б» тарифи бўйича тузилган бўлиб, страхование қилдирувчи умумий меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда тўланиши лозим бўлган страхование суммаси икки баравар кўпаяди.

Агар страхование шартномаси «Б» тарифи бўйича тузилган бўлса, страхованиечи бахтсиз ҳодиса натижасида умумий меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда тегишли сумма икки марта кўп тўланади.

Ҳаётнинг аралаш страхованиеси бўйича страхование ҳодисаси юз берганда страхованиечи ёки унинг томонидан тайинланган шахсга келишилган сумма тўланади. Бунда давлат социал таъминоти бўйича унга тўланадиган сумма ва зарарни қоплаш тартиби билан тўланадиган сумма бундан истиснодир.

Страхование шартномаси биринчи взнос тўлангандан сўнг кучга киради.

Бир ойлик страхование взноси миқдори страхование суммасига, страхование муддатига ва страхование қилдирувчининг шу ҳақда ариза берган кундаги ёшига боғлиқдир.

ЗАРАРНИ ҚОПЛАЙДИ

Чорва моллари масалан, ёнғин, портлаш, яшин уриш, электр токи таъсири, офтоб ёки иссиқ уриш, зилзила, тошқин, ўпирилиш, бўрон, қаттиқ шамол, дўл, йиртқич ҳайвонларнинг ҳужуми, заҳарли ўсимликлардан тасодифан заҳарланиш, илон ёки заҳарли ҳашаротларнинг чақишидан ўлса, ҳайвонлар чўкса, транспорт босиб кетса, дарага қулаб тушса ёки бошқа жароҳатлардан нобуд бўлса, шунингдек, мутахассис ветеринар кўрсатмасига биноан мажбурий сўйилган тақдирдагина тўланади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ШАРТНОМАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТУЗИНГ ВА ИЛГАРИГИЛАРИНИ ЯНГИ МУДДАТГА ТИКЛАНГ!

Страхование тўловларини иш жойи бухгалтерияси орқали нақд пулсиз ёки страхование агентига нақд пул билан тўлаш мумкин.

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ

Ёш болалар — оз ташвиш, катта болалар —кўп ташвиш деган нақлда катта мазмун бор.

Оилада кичкинтойлар бўлса қувончлидир. Уларга ғамхўрлик қилиш ҳам ёқимли, ҳам сермашаққатлидир.

Госстрах ота-оналарнинг ўз болаларига ғамхўрлик қилишларидаги ишларнинг бир қисмини ўз устига олади.

Болаларни страхование қилишдан мақсад—болаларнинг ота-оналарига озгина ойлик взноси билан уларга маълум бир жамғарма яратишдир. Бу жамғарма страхование муддати тугагач, йигитга ёки қизга тўланади.

Болалар страхованиеси шартномаларини қанчалик тез тузсангиз, ойлик взнос ҳажми шунча кам бўлади. Страхование шартномасини тузиб тўплаган жамғармангиз фарзандингиз мустақил ҳаётга қадам қўйётганда жуда лозим бўлиб қолади.

Страхование шартномаларини 300, 500 ёки 1000 сўмга тузиш мумкин. Страхование муддати ариза берилган кундаги боланинг ёши билан — 18 ёш ўртасидаги тафовут билан белгиланади. Масалан, бола 8 ёшдан катта бўлмаса шартномани қисқартирилган муддатга — 10 йилга тузиш мумкин. Ҳар ойлик страхование взноси боланинг ёши ва страхование суммасига боғлиқ.

Страхование шартномаларини фақат ота-оналаргина эмас, балки боланинг бошқа қариндошлари ҳам тузишлари мумкин.

Госстрах органлари страхование муддати тамом бўлгандан сўнг шартномада кўрсатилган страхование суммасини ёки страхование қилинган боланинг бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиғи қаттиқ зарарланганда, оғир касалланганда унинг бир қисмини тўлайди. Бундан ташқари страхование қилдирувчига 200 сўм нафақа берилади ва ҳамма тўланган взнослар қайтариб берилади.

Страхование взнослари нақд пулсиз ёки страхование агентига нақд пул билан тўланиши ёхуд Госстрах агенти томонидан берилган махсус расчёт дафтарчаси бўйича омонат кассасига тўланиши мумкин.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ

Бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган ҳар бир киши страхование шартномасини тузган бўлса, ГОССТРАХ органларидан моддий ёрдам олади.

Давлат страхование органлари 16 дан 70 ёшгача бўлган ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, студентлар ва уй бекалари билан бир йилдан беш йилгача муддатга бахтсиз ҳодисалардан страхование шартномалари тузади.

Страхование суммаси ёки унинг тегишли қисми страхование қилдирувчи қуйидаги бахтсиз ҳодисалар натижасида умумий меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганда тўланади:

жароҳатланганда (лат ейиш, ярадор бўлиш, суяк синиш, куйиш, совуқ уриши, электр токидан ва йиқилишдан шикастланиш);

заҳарли ўсимликлар, химиявий моддалар ва сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан тасодифан қаттиқ оғриб қолганда;

баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриганда, шартномада кўрсатилган шундай ва шунга ўхшаш сабаблардан вафот этганда.

Страхование взноси ҳажми страхование суммасига боғлиқ бўлиб, хизматчилар, ўқувчилар ва уй бекалари учун — бир йилга ҳар юз сўмдан 25 тийин, колхозчилар, ишчилар ва баъзи касб эгалари учун—50 тийин, шофёрлар учун—80 тийин, химия ва тоғ-кон саноати ишчилари учун 1 сўм 20 тийин.

Уч йил ва ундан ортиқ муддатга шартнома тузилганда 5 процентдан 15 процентгача ҳажмда взносдан скидка қилинади. Страхование взносини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ёки нақд пул билан бевосита Госстрах агентига тўлаш мумкин.

НИКОҲ-ШОДИЁНА СТРАХОВАНИЕСИ

Унинг асосий мақсади 2 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг ота-оналари ва қариндошларига муайян жамғарма тўплаш ва страхование муддати тугагач ва қайд қилинган никоҳ арафасида йигит ва қизга тўлаш учун ёрдам беришдир.

Бу жамғармалардан уй-рўзғор буюмлари, кооператив квартира сотиб олиш ёки келин-куёвнинг саёҳатида фойдаланиш мумкин.

Страхование қилинган болалар 25 ёшгача никоҳланмаса; страхование суммасига 15 процент қўшиб берилади. Страхование суммасининг миқдори страхование тузаётган шахс билан страхование органлари ўзаро келишилган миқдорда (камида 300 сўмгача) страхование шартномаси тузилиши мумкин.

Болаларнинг соғлиғи ёмонлашса ёки шартнома қоидаларида кўрсатилган ҳодисалар натижасида бола касалманд бўлиб қолса, у ҳолда бу бола страхование қилинган ҳисобланади.

Страхование суммаси шартнома муддати тугагандан сўнг, взносларнинг ҳаммаси тўлиқ тўланган ёки тўланмаганлигидан қатъий назар, (бола ҳалок бўлганда ҳам) қайтариб берилади.

Никоҳ-шодиёна страхованиесини 20 ёшдан 67 ёшгача бўлганлар (оталар, оналар, буви, бобо, хола, амаки, катта акалари ва опалари) тузишлари мумкин.

Страхование взносларини нақд пулсиз иш жойи бухгалтерияси орқали ёки страхование агентига нақд пул билан тўлаш мумкин.



АГАР ШАРТНОМА ТУЗГАН БЎЛСАНГИЗ...

Сиз янги квартира олдингиз. Уни замонавий мебеллар билан жиҳозлашга, севган китобларингизни, гиламлар, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси, зарур уй-рўзғор предметлари сотиб олишга жуда кўп меҳнат ва вақт сарфлагансиз.

Афсуски, ҳали кўпчилик қандайдир тасодиф ҳодиса — ёнғин, иситиш системасидаги авариялар мол-мулкка зиён етказиши мумкинлигини эътиборга олмайди.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!
УЙ ЖИҲОЗЛАРИНИ СТРАХОВАНИЕДАН ЎТКАЗИШ СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИДИР

Госстрах белгиланган шартномага кўра етказилган зарарни қоплаш учун страхование суммаси миқёсида пул тўлайди. Уй жиҳозларини исталган нархда страхование қилиш мумкин, аммо у буюмнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги лозим. Шартнома 2 ойдан 11 ойгача ва бир йилдан 5 йилгача муддатга тузилади. Тўловлар бир йилга страхование қийматининг ҳар 100 сўмига 10 тийиндан 25 тийингача ҳажмда тўлаб борилади. Бунда яшаш жойи ва мол-мулки сақланадиган бинонинг ёнғинга чидамлилиги ҳисобга олинади.

Қишлоқ жойларда ҳар 100 сўмдан 15 тийиндан 30 тийингача тўланади.

Уч йил ва ундан ортиқ муддатга страхование қилинган тақдирда тўлов қийматининг 10 проценти ҳажмида скидка берилади.

Шартномани яшаш жойи ёки иш жойидаги Госстрах инспекцияси ва страхование агентликларида тузиш мумкин.

ИМОРАТЛАР СТРАХОВАНИЕСИ

Агар Сиз шахсий уйга, дачага ёки гаражга эга бўлсангиз, албатта иморатлар страхованиеси шартномаларини тузинг.

Ёнғин, портлаш, яшин уриш, сув тошқини, зилзила, бўрон, довул, жала, дўл, қулаш, силжиш, тўсатдан ер ости суви чиқиб кетиши, қалин қор ёғиши, сел келиши, иситиш системалари, водопровод ва канализация тармоқларининг аварияга учрашидан қурилишлар нобуд бўлса ёки яроқсиз ҳолга келса, страхование шартномасига мувофиқ Давлат страхование органлари давлат чакана савдо баҳосига биноан етказилган зарарни тўлайди.

Иморатлар страхованиеси шартномалари бир йилга тузилади.

Страхование тўловлари ҳар 100 сўм страхование суммаси учун бир йилга шаҳарда 50 тийин, қишлоқ жойларида 70 тийин.

Страхование тўловларини иш жойингиздаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан ёки страхование агентига нақд пул билан тўлашингиз мумкин.

Страхование муддатингиз тугаётган бўлса, янги муддатга яна шартнома тузишни унутманг.

Страхование шартлари ва шартномалар тузиш қоидалари билан Госстрах район (шаҳар) инспекцияларида ёки Госстрах агенти орқали танишиш мумкин.



ГОССТРАХ МУАССАСАЛАРИНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ:

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГОССТРАХ РАЙОН ИНСПЕКЦИЯЛАРИ

ЛЕНИН РАЙОНИДА — Сапёрная кўчаси, 116. Телефон: 33-60-67.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДА — Карл Маркс кўчаси, 59. Телефонлар: 33-10-27, 32-35-93.

КИРОВ РАЙОНИДА — Энгельс кўчаси, 68. Телефон: 35-60-85.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДА — Ш. Руставели кўчаси, 38. Телефон: 53-74-75.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДА — Ҳамза кўчаси, 10. Телефон: 44-35-34.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДА — Муқимий кўчаси, 6 «а». Телефон: 77-22-23.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДА — Қорасарой кўчаси, 270. Телефонлар: 48-35-30, 48-37-40, 48-36-00.

ҲАМЗА РАЙОНИДА — М. Ҳасанова кўчаси, 2. Телефонлар: 96-43-50, 90-43-02.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДА—Спутник шаҳарчаси, 1-квартал, 70. Телефон: 53-83-68.

ТЎЛОВЛАРНИ ИШ ЖОЙИДАГИ БУХГАЛТЕРИЯЛАР ОРҚАЛИ МАОШДАН УШЛАБ ҚОЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЁКИ СТРАХОВАНИЕ АГЕНТИГА НАҚД ПУЛ БИЛАН ТЎЛАШ МУМКИН.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИНИ ГОССТРАХ АГЕНТИНИ ЧАҚИРГАН ҲОЛДА ЯШАШ ЖОЙИДА ЁКИ ИШ ЖОЙИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИН.

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР! СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИНГИЗ ВА ЎЗ ВАҚТИДА УЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАНГИЗ. БУ — СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШҚАРМАСИ.

«ЎЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

4 бет
ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
22 НОЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-26-95. спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42. 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг нашриёт диспетчери навбатчилари — 33-90-50.

Р—13227. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1464.